O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 19 август ШАНБА

№ 65 (11.868)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 15 йиллигига

1. САЛОҲИЯТИ ЎЗИГА МОС

Бундан 15 йил аввал қўлга киритилган тарихий ютуғимизнинг баҳоси, қадр-қимматининг нечоғлик беназир эканлигини ҳар биримиз бугун янада теранроқ англаётгандекмиз. Чор-атрофимиздаги беқиёс ўзгаришлар, инсон манфаатларига хизмат қилаётган ислоҳотлар янгиланиш ва яшариш жараёнлари шууримизда шукроналик, ички қониқиш ва мамнунлик ҳиссини уйғотяпти.

Вилоятимизнинг азим пойтахтга яқин шаҳаларидан ҳисобланган Чирчиқ, унинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболи хусусида гап борар экан, беихтиёр ана шу оддий ҳақиқатга яна бир карра иқрор бўламиз. Боиси, Мустақиллик ва у бераётган имкониятлар бугун Чирчиқ шаҳрининг ҳар бир гўшаси, ҳар бир жабҳасида тўлақонли намоён бўлиб турибди.

Шаҳарнинг ташкил топиши, айтиш мумкинки, мамлакатимиз кимё саноати ва бошқа муҳим иқтисодий тармоқларнинг шаклланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ердаги аксарият йирик ишлаб чиқариш тузилмалари, кимё, гидроэнергетика, металлургия корхоналари камида ярим асрлик ўтмишга эга. Ўтган асрлар мобайнида улар фаолияти тобора кенг қулоч ёйиб, юртимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муносиб омил бўлиб келди. Бугун ҳам «Электркимёсаноат», «Чирчиққишлоқмаш», «Трансформатор», «Ўзкимёмаш» каби ҳиссадорлик жамиятлари иқтисодиётимизнинг қудратли таянчлари бўлиб келмоқда. Уларда ўтиш даври қийинчиликларини мардонавор енгиб, барқарор ўсиш натижаларига эришилаётгани қувонарлидир. Шу боисдан ҳам чирчиқлик саноатчилар ўз меҳнатлари, изланиш ва интилишлари меваси бўлмиш замонавий, мураккаб, энг муҳими, сифатли, жаҳон андозалари талабларига бемалол жавоб бера оладиган турли-туман маҳсулотлари билан юртимиз довруғини курраи замин узра таратаётганликларидан ҳар қанча фахрланса-лар арзийди.

— Чирчиққа таъриф беришганда, уни кимёгарлар, металлургларнинг, энергетиклар, қурувчилар шаҳри дея эътироф этишади, — дейди шаҳар ҳокими Шукрулло Бобоев. — Бу бежиз эмас, албатта. Шаҳримиз ўтган йиллар мобайнида йирик ва салоҳиятли саноат марказига айланиб улгурди. Бугун эса, Истиқлол ислоҳотлари туфайли қолган жабҳаларда ҳам олға интилиб, ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларда муносиб ютуқларга эришилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун шаҳарнинг ижтимоий, маънавий қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди, янгиланди. Бу ерда 140 мингдан ортиқ турли миллатга мансуб аҳоли ўзаро тинч-тотув, аҳил-иноқликда яшамоқда. Уларнинг барчасини юрт равнақи, ривожланиши йўлидаги мардонавор меҳнат, масъулият ва фидойилик ҳисси бирлаштириб туради. Кечаётган иқтисодий жадаллашув ва юксалишлар даврида уларнинг турмуш фаровонлиги ҳам тобора яхшиланиб бораётир.

Айни дамда шаҳарда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари 1150 тага етиб қолди. Уларнинг 900 дан ортиғи кичик бизнес тузилмаларидир. Шунингдек, 890 дан ортиқ катта-кичик корхоналар ишлаб турибди. Уларда ярим йилликда 105089,5 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 фоиз ўсиш кузатилди. Хорижга 31295,8 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Умуман, шаҳарнинг йиллик экспорт салоҳияти 70214,5 минг АҚШ долларига тенг келаяпти. Бу рақамлар келгусида бундан ҳам салмоқли бўлиб бориши тайин. Саноатчилар экспорт имкониятларини кенгайтириш учун жаҳон бозорини, унинг талаб ва эҳтиёжларини мукаммал ўрганиб бормоқдалар.

Бу ердаги спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказиладиган ўйингоҳ энг юқори халқаро стандартларга мувофиқ қайта қурилди, имкониятлари кенг, катта мажмуага айланди. Олимпия захиралари коллежи ҳудудида барпо этилган яна бир ноёб иншоот — усти ёпиқ муҳташам сарой шаҳарнинг фахрига айланди. Унинг майдони, йўлкалари ва марказий қисми политан билан қопланган, дастурли бошқариладиган кучли совутгичлар эса йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, ҳаво ҳароратини 22-23 даражада сақлайди. Бугун бу ер энг нуфузли халқаро турнирлар ўтказиладиган марказга айланди.

Чирчиқ шаҳри: ДАВРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИДА ИМКОНИЯТ МУЖАССАМ

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 2006 йил 29-30 август кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашадилар, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни, Марказий Осиёдаги вазиятни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

МАРОКАШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Марокаш Подшоҳлиги қишлоқ хўжалиги, тараққиёт ва денгиз балиқчилиги вазири Муҳаммад Лансер бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов билан учрашди.

Африка қитъасининг шимоли-ғарбида жойлашган Марокаш иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Шу боис икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги борасидаги алоқаларни кенг йўлга қўйишга оид масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини ўрганиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олиш, мутахассислар алмашувини йўлга қўйишга доир масалалар хусусида фикр алмашилди.

ЎзА.

Вилоят ҳокимлигида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг бажарилиши юзасидан вилоят доимий ишловчи комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди.

ДАСТУР ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, котибият мудирлари, комиссия аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, мутасадди ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла маслаҳатчилари, имом-хатиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Хайитқуловнинг фармон ижросини таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақидаги маърузасини тинглашди.

Таъкидландики, Президент Фармонида қўйилган вазифаларни бажариш борасида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш, улар учун янги иш жойлари барпо этиш борасида муайян ишлар қилинган. Лекин йиғилиш иштирокчиларининг асосий эътибори бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш масалаларига қаратилди. Жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил қилинди ва уларни йўқотишга тааллуқли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова иштирок этди.

Долзарб мавзу

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛ

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, аҳоли хонадонларини газлаштириш, истеъмолчиларни газ билан таъминлашнинг истиқболли дастури амалга оширилмоқда. Натижада бу арзон ёқилғидан фойдаланиш ҳажми муттасил ортиб бораётир.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу жараённи яна ҳам тезлаштиришга кенг имкониятлар очади, — деди «Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбири билан суҳбатда «Тошкентвилоятгаз» ҳудудий газтақсимлаш корхонаси директорининг ўринбосари Холмурод Илёсов. — Бу қарор газ тақсимлаш тармоқларини янада ривожлантириш, улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни узил-кесил шакллантиришга хизмат қилади. Истеъмолчиларга табиий газни етказиб бериш ва сотиш тизимининг фаолияти самарали тус олади. Муҳими, табиий газдан оқилона фойдаланилиши билан тўлов интизоми уйғунлашади.

— Вилоятда истеъмолчиларга газ етказиб беришнинг бугунги аҳволи ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўтган йилни олсак, истеъмолчиларга жами 3 миллиард 621 миллион 324 минг куб метр табиий газ етказиб берилди.

Табиий газни меъёридан ортиқча йўқотишларга чек қўйиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланилишига эришишни кўзлаб, улгуржи истеъмолчиларга электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатмоқдамиз. Ҳозирги кунда вилоятимиздаги 77 та ғишт ишлаб чиқариш заводларидан 62 таси билан ҳисоб-китоб қилишда шундай ҳисоблагичлардан фойдаланилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТ ОБОДЛИГИ СИЗ-У БИЗГА БОҒЛИҚ

Халқимизнинг шундай азалий одатлари, маросимлари, байрамлари борки, уларда бутун миллатимизнинг қадди-бастию камоли акс этади. Она диёримиз эркинликка, ҳурликка эришганига ўн беш йил тўляпти. Саноқли кунлардан кейин, бутун мамлакатимиз бўйлаб Мустақилликнинг 15 йиллиги тантанали нишонланади.

Мана шу азиз байрамимизни кўтаринки руҳда ўтказиш Ҳомийлар ва шифокорлар йили вилоят дастурида кўзда тутилган вазифаларни изчил амалга ошириш, вилоятда санитария-эпидемиологик аҳволни яхшилаш мақсадида 2006 йил август ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинган эди. Шу тадбир доирасида 19-20 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Вилоят ҳокимлигининг фармойишида шаҳар ва туманларимиз маҳаллалари, мавзелари ҳамда аҳоли гавжум жойларида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳашарда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, вилоят бошқарма бўлимлари, шаҳар-туман ҳокимликлари, шунингдек, ҳар бир фуқаролар йиғинлари аҳолиси иштирок этади.

Энг муҳими, ушбу ҳашардан тушган маблағлар Ҳомийлар ва шифокорлар йили вилоят дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ҳамда бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилашга, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, якка-ёлғиз яшовчиларнинг уй-жойларини таъмирлаш, уларни моддий рағбатлантириш, ободонлаштириш ишларига йўналтириш учун сарфланади.

Ҳашар муносабати билан бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасининг қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши ҳақидаги ташаббус ҳам маъқулланди.

Х/р 20212000500132942001,
МФО — 00987, ИНН: 200548395.
«Ғаллабанк» Тошкент вилояти ҳудудий бўлими.
Мурожаат учун манзил: «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Хоразм кўчаси, 51-уй. тел: 133-61-75.

Қиш мавсумига тайёргарлик

БУ ИШЛАР ВАҚТИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Ёз фасли кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўришда муҳим давр ҳисобланади. Мавзуга Ангрен шаҳри мисолида ёндашиладиган бўлса, мавсумолди саъй-ҳаракатларининг ижобий натижаларини амалда кўриш мумкин.

Сир эмас, ўтган йилги қиш истеъмолчилар учун ҳам, коммуналчилар учун ҳам бироз мураккабликлар туғдирди. 1991 йилгача қурилган уйларнинг иситиш тармоқлари эскирганлиги баъзи нуқталарда техник носозликларни келтириб чиқарди ва бу ҳолат ўз ўрнида эътирозларга сабаб бўлди. Шу йўсинда аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи янада ортди. Бу манбадан нафақат ёритиш, балки уйни иситиш ва бошқа маиший эҳтиёжларда ҳам фойдаланилди. Натижада шу йилнинг 1 январь ҳолатига шаҳар аҳолисининг бу хизмат турига бўлган умумий қарздорлиги 1,5 миллиард сўмга чиқди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, биринчидан коммунал хизматлар учун истеъмолчилар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан шаҳар ҳокимлиги томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 16 мартдаги «Тошкент вилоятида 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйжойларни 2006 йилда ички муҳандислик тармоқлари ва умумий фойдаланиш жойларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш тўғрисида»ги қарорига биноан Ангрен шаҳри ва унинг ҳудудига кирувчи қўрғонлардаги 215 та кўп қаватли уйлар мукаммал таъмирлаш дастурига киритилди ва шу мақсадда бюджетдан 503 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланди.

— Мукаммал таъмирга муҳтож уйларнинг аҳволини яхшилашда уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шунингдек, ҳомий корхоналарнинг ҳам ёрдамлари катта бўлаяпти, — дейди шаҳар ҳокими Абдулла Юнусов. — Улар кучи билан йилнинг биринчи ярмида 58 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари сифатли якунланди. Янги Ангрен ИЭСи, «Ўзбекқўмир», хорижий сармояга эга «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик бирлашмаси, «Ўзбекконкурилиш», «Қозонтозалаш» корхоналари томонидан уларга бириктирилган уйларнинг томлари, ертўлалари, ички иссиқлик ва ичимлик суви тармоқлари, электр симлари тўлиқ таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«ДИЙДОР» БИЛАН ДИЙДОРЛАШИБ

«Камалак» болалар ташкилоти фаоллари иштирокида «Мустақиллик ёшлар нигоҳида» расмлар танлови ташкил этилди.

Унда Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи ва Маданият маҳалласи ўқувчи ёшлари иштирок этишди. Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун «Дийдор» театр студияси ўз бадиий дастурини намойиш қилди.

Юнус ЖУМАЕВ.

УЧ КУН — УЧ СОНИЯ

«Сумча» болалар ёзги оромгоҳида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

Ҳарбий спорт-соғломлаштириш дастури доирасидаги бу тадбир иштирокчилари — ички ишлар бўлимлари профилактик ҳисобида турувчи ўсмирлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Дам олувчилар учун «Ўз ҳақингда сўзлаб бер» дўстлик оқшоми, давра суҳбати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мураббийлари билан семинар-тренинг, «Сув шоҳи» сузиш мусобақаси ташкил этилди. Спорт турлари бўйича «Мен чемпион бўламан» мусобақаси ўтказилди. «Ёш истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови вояга етмаганларнинг маданий дам олишини ташкил этишда асосий ўрин тутди.

Юсуф ХОЛМУРОДОВ.

ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТИБ

Илгари хабар қилганимиздек, Мустақилликнинг шонли 15 йиллиги арафасида вилоятнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларида маънавият кунлари, маърифат соатлари ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги боғида бўлиб ўтган мулоқот ва мушоирада иштирок этган шоир ва ёзувчилар истиқлол неъматлари, унинг шарофати туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида фикр юритдилар. Шоирларнинг Ватанга муҳаббат мавзусидаги, Истиқлолни шарафловчи дилрабо шеърлари янгради.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

Мустақилликнинг 15 йиллиги

Чирчиқ шаҳри:

ДАВРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИДА ИМКОНИЯТ МУЖАССАМ

2. МАҚСАДИ ВА МАСЛАГИ БИР ОДАМЛАР ЮРТИ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасини техникасиз тасаввур қилиш қийин. Хусусан, тизимда юксак самарадорликка эришишда замонавий техника ва технологияларнинг ўрни алоҳида.

Мамлакатимизда аграр тизимнинг жадал ривожланиб бораётганлигида «Чирчиққишлоқмаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Шаҳар иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган ушбу корхонада қишлоқ хўжалиги машиналари, эҳтиёт қисмлар ва пўлат қуймалар ишлаб чиқарилади. Бу ердаги асосий маҳсулот тури эса, ғўза культиватори — КХУ-4Б ҳисобланади.

Техниканинг бу тури кейинги пайтда харидоргир бўлиб қолди. Рақамларга эътибор берсак, 2003 йилдан 2006 йилга қадар 3366 дона шундай мослама ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари 183 дона ҳар хил русумдаги плуглар, 5993,8 тонна пўлат қуймалари ва 738,16 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки, қўшни давлатларда ўзининг харидорларини топмоқда. Жумладан, Туркманистон, Тожикистон ва Озарбайжон деҳқонлари ҳам «Чирчиққишлоқмаш»да ишлаб чиқарилган техникалардан фойдаланишмоқда. Шу кунгача ушбу давлатларга жами 1 миллион 521 минг АҚШ доллари миқдоридаги 825 дона культиватор экспорт қилинди.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастурига асосан хориждан келтирилган занжирли тракторларга (Т4А, ДТ-75) ва экскаваторларга 30 минг 432 дона занжирли звенолар, «Кейс» ва «Магнум» тракторларига эса 183 дона ҳар хил русумдаги плуглар ишлаб чиқарилди.

— 30 йилдан буён шу корхонада ишлайман, — дейди қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ўринбосари Изтай Койлибаев. — Шу йиллар ичида жуда кўп техникалар тайёрланди. Аммо, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг корхонада маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатга катта эътибор берила бошланди.

Ҳозирги кунда корхонада 751 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳамда моддий манфаатдорлиги ҳам корхона даромадларига қараб, юқорилаб бормоқда.

Бугунги кунда Чирчиқда бундай юқори унум ва самарадорлик билан ишлаётган корхоналардан яна бири «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамиятидир. Бу ерда асосан кимё ва нефть, газ соҳаларида зарур бўлган ускуналар — компрессорлар, сув насослари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. 2006 йилнинг етти ойи мобайнида жами 11 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу эса режага нисбатан 250 фоиз деганидир. Шундан 1 миллион 624 минг долларлик маҳсулот Россия, Латвия, Қозоғистон ва Болтиқ бўйи давлатларига экспорт қилинган. Йил охирига қадар бу кўрсаткични 2 миллион долларга етказиш мўлжалланган. Корхона Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш, «Шўртаннефтгаз», «Муборакгаз» корхоналари, Кўк думалоқ газ конлари қурилишига ўзининг муносиб улушини қўшди.

— Биз ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Турсунбой Ҳамидов. — Келиб кетиш учун транспорт тайинланган, дам олиш хоналари, спорт мажмуаси, тиббий шахобча бизнинг хизматимизда. Ўртача маошимиз эса, 180-190 минг сўм.



СУРАТЛАРДА: *«Ўзбеккимёмаш» пайвандчиси Алишер Ортиқов ўз ишининг моҳирларидан; Чирчиқ трансформатор заводининг ички кўриниши; корхонанинг йиғув чехи усталари Рамет Аметов (чапда) ва Ленур Умиров иш устида; «Чирчиққишмаш» корхонаси ишчилари (чапдан) Алишер Абдужабборов ва Жасур Мусаев жамоанинг умидли ёшларидан.*

Чирчиқ вилоятдаги йирик, саноати ривожланган шаҳарлардан бўлиши билан бирга бу ерда хусусий тадбиркорлик ҳам кенг қулоч ёйган. Айни кунда шаҳарда 985 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 207 таси ишлаб чиқариш соҳасида, 151 таси қурилишда, 420 таси савдо йўналишида, 42 таси транспорт ва алоқа тизимида фаолият юритаётир.

— 2006 йилда 103 та юридик ҳамда 134 та жисмоний шахслар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди, — дейди шаҳар ахборот-маслаҳат маркази директори Ф. Мадаминов. — Марказимиз томонидан тадбиркорларнинг вақтларини тежаш ҳамда уларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳуқуқий маслаҳатлар, бухгалтерия хизматлари, Низом ва таъсис шартномалари, Ўзбекистон товар-хом ашё биржасининг брокерлик хизматлари, қисқа муддатли ўқув курслари, консалтинг, фото дизайнерлик ишлари, нусха кўчириш, суғурталаш ва бошқа масалалар бўйича кўмаклашмоқдамиз.

Шаҳарда тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия қошида жамоатчилик кенгаши тузилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида кенгаш томонидан уч жойда тадбиркорлар ариза ва шикояти, талаблари ва таклифларини киритишлари учун «Ишонч» қутилари ўрнатилган, ишонч телефонлари ишлаб турибди.

— Шундай катта корхоналари-ю, минглаб ишбилармонлари бўлган шаҳарнинг кўркамлиги, ободлиги ҳақида қанча гапирса оз, — дейди шаҳар бош архитектори Ш. Кенжаев. — Охирги беш йил ичида шаҳардаги 150 та ижтимоий аҳамиятга эга бинолар қайта таъмирланиб, янгича кўринишга келтирилди. 10 та маҳалла гузари 40 та умумий овқатланиш ва маиший хизмат уйлари шулар жумласидандир.

Шаҳар марказий бозори ва унинг жойлардаги бўлимлари реконструкция қилинди. А. Темур, А. Навоий, «Чирчиқнинг 50 йиллиги», У. Юсупов, Ш. Рашидов марказий кўчаларида янги савдо шахобчалари иш бошлади. 25 километр узунликдаги катта йўлларга янгидан асфальт ётқизилди.

— Шаҳримизда кўз-кўз қилса арзийдиган маҳаллалар, гузарлар бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Й. Жумаев. Хусусан, «Маданият», Аҳмад Яссавий, А. Темур маҳалла гузарлари шулар жумласидандир. Ҳайдар Мақсудов, Миралишер, «Наврўз», «Гулзор», «Истиқбол», «Кимёгар» маҳаллаларида эса янги қуриб битказилган гузарлар аҳолига хизмат қила бошлади.

Бутун республикада бўлганидек, Чирчиқда ҳам яратувчанлик, янгиланиш жараёнлари жадал давом этмоқда. Истиқлолимизнинг 15 йиллигини муносиб нишонлашга чирчиқликлар астойдил тайёргарлик кўришмоқда. Чунки, истиқлол берган имкониятлар, у очган эркинлик булоқларидан улар ҳам бирдек баҳраманд бўлишмоқда.

Қиш мавсумига тайёргарлик

БУ ИШЛАР ВАҚТИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

2/2, 5/5 даҳаларида йил дастури бўйича 3,8 километр масофадаги иссиқлик тизимлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Дукент қўрғонидаги 14-, 15-даҳаларда, шунингдек, Янгиобод қўрғонидаги марказий ва ички тармоқларни янгилаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Вилоятда шу йилга режалаштирилган 110 километр иссиқлик тармоқларининг 95 километри Ангрен шаҳрига тўғри келади. Бу борада белгиланган иш ҳажми юз фоиз адо этилди. Бундан ташқари 5/1а-, 5/1б-, 45- ва 46-даҳалар, Лоҳутий кўчаси бўйлаб ётқизилган 1,9 километр иссиқлик қувурлари изоляция қилинди. Янгиланган ва капитал таъмирланган қувурлар синовдан ўтказилди. Соғлом, Жигаристон, Оппартак қўрғонларидаги иситиш қозонхоналари таъмирланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган йили «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси ҳомийлиги остида шаҳардаги 11-, 37-, 38-умумтаълим мактабларига маҳаллий қозонлар ўрнатилиб, қозонхоналар фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.

Шаҳардаги иссиқлик энергияси етказиб берувчи асосий корхона — Ангрен иссиқлик энергияси станцияси шўъба корхонасида қиш мавсуми учун бугунгача 86000 тонна кўмир, 30 минг тонна мазут захираси яратилган. Корхона кучи билан шаҳарнинг Навоий кўчасидан Оҳангарон кўчаси бўйлаб 400 метр узунликдаги қувурлар янгиланди.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банклари бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилаётганлиги айни муддао бўлди.

— Шу йилнинг 1 январь ҳолатига қайд этилган 1,5 миллиард сўмдан зиёд қарз 1 июлга келиб 998 миллион сўмга тушди, — дейди шаҳар электр тармоқлари идораси бошлиғи Рустам Пўлатхонов. — Муддати ўтган қарзлар бўйича йилнинг январь-июль ойлари давомида корхонамиз томонидан 88 та ташкилот реестрга биноан ҳужжатлари (умумий миқдори 2.912.538 минг сўм) давлат солиқ инспекциясига тақдим этилди. Инспекция томонидан Тошкент вилояти хўжалик судига шу давр ичида 71 та ариза киритилди. Прокуратура орқали вилоят хўжалик судига миқдори 768.846 минг сўм бўлган 11 та даъво аризаси киритилди ва шу асосда суднинг ҳал қилувчи қарорлари чиқарилди.

Бевосита корхонамиз томонидан эса хўжалик судига миқдори 8.151.413 сўм бўлган ҳужжатлар бўйича 6 та даъво аризаси киритилди. Хуллас, давлат солиқ инспекцияси орқали киритилган аризаларга биноан вилоят хўжалик суди томонидан 505.788 минг сўм қарздорлик бўйича 56 та суд буйруғи чиқарилган.

Шунингдек, ўтган 6 ой ичида корхона томонидан Оҳангарон туманлараро фуқаролик судига миқдори 49.211.239 сўм бўлган 185 та даъво аризалари киритилган.

Қарздорлик шаҳардаги мутлақ эгасиз уйлар ҳисобига ўсиб бораётганлиги ҳам сир эмас эди. Бундай хонадонларнинг электр энергияга бўлган қарзлари суд қарорига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинди.

— Бугунги давр коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришни тақозо этади, — дейди уй-жой ширкатлари раҳбари Абдулла Холматов. — Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб боришида масъулиятни тўла ҳис этганларидагина биз ўзимизни бундай рақобатга тайёр деб айта оламиз.

Қишга тайёргарлик ҳақида гапирадиган бўлсак, Ҳаккарман маҳалласига 6,1 километр узунликда электр симлари тортилди. Облиқ, Ўрмончи маҳаллаларига иккита трансформатор ўрнатилди. Жойлардаги ўндан ортиқ трансформатор таъмирланди.

Сўнгги бир йил ичида шаҳарнинг 5/2, 5/3, 5/4, 5/5 даҳаларидаги хонадонларга табиий газ келтирилди. Бу йил 5/1а-, 5/1б-, 6/4 даҳаларини газ билан таъминлаш учун 330 миллион сўм ажратилган. Айни пайтда белгиланган ҳудудларга газ қувурларини тортиш, хонадонларга газ ўлчагичларни ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, Ангрен шаҳри ва Дукент қўрғони аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида Жакандаксойдан 426 метр узунликда қувурлар ётқизиляпти. Манзилли дастурда режалаштирилган 5/5 даҳасидаги 5 та қудуқ «Ўзбеккўмир» ОАЖ ҳомийлигида бунёд этилаяпти.

Дарҳақиқат, қиш — мураккаб мавсум. Унинг ҳар қандай камчиликлардан ҳоли, беталафот ва хотиржам ўтиши бугунги ҳаракатимизга боғлиқ.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Долзарб мавзу

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛ

Табиий газдан тежамли фойдаланиш имкониятларини тўла ишга солишни кўзлаб, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида марказлашган иситиш қозонлари кичик, мустақил ва тежамли қозонлар билан алмаштириляпти. Вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган дастурга биноан келгуси йил охиригача эскирган барча буғ қозонлари ўрнига замонавий ва тежамлиларини ўрнатиш кўзда тутилган. Ҳатто, кўп қаватли уйларни иситиш учун ҳам якка равишда фойдаланиладиган кичик қозонларга ўтишни ният қилиб турибмиз.

— **Қишли-қировли кунлар яқинлашиб келаяпти. Газ тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари қандай бораяпти?**

— Мавсумга тайёргарлик вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган жадвалга асосан олиб борилмоқда. Юқори босимли газ тармоқлари технология бўйича текширилиб, аниқланган нуқсонлар бартараф қилинаяпти.

Айни пайтда корхонамиз ҳисобидан газ қувурларини қуриш ва ҳалқалаш давом эттирилаётир. Бу йил пудратчи ташкилотлар 6 миллиард 219 миллион сўм маблағ ўзлаштириб, 119,3 километрлик масофада янги газ қувурлари тармоғини барпо этишлари керак. Ҳозиргача 40 километрга яқин газ тармоғи қурилди.

Чунончи, Тошкент туманидаги Ўртоқ ва Саноат маҳаллаларида газ таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш ишлари қизғин давом эттирилаяпти. Ўртачирчиқ туманидаги Шоликор маҳалласи аҳолисини ҳам газ билан таъминлаш яхшиланди. Бунинг учун 2456 метр масофада юқори босимли газ тармоғи ҳалқаланди. Пудратчи ташкилотлар ва газ филиаллари ходимларининг қизғин меҳнатлари туфайли Бўстонлиқ туманидаги Олмазор, Бўка туманидаги бир неча қишлоқлар, Бекобод ва Оҳангарон туманларининг бир қатор маҳаллалари аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши яхшиланди.

Учинчи чорак давомида 30 километрлик газ тармоғини барпо этиб, 1,7 миллиард сўмлик қурилиш ишларини амалга оширишни режалаштирганмиз. Яқин фурсатларда Паркент, Қуйичирчиқ ва Пскент туманларида қурилаётган янги газ тармоқлари ишга туширилади.

— **Очиғини айтганда, дебиторлик қарзлари туман ва шаҳар газ филиалларининг фаолиятини сусайтирувчи кишанга айланди. Уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Табиий газдан фойдаланувчи хонадонлар вилоятимизда 420 мингга яқинлашиб қолди. Уларнинг 98 фоиздан ортиқроғига газ ўлчагич асбоблари ўрнатилган. Бу газдан тежамли фойдаланилиши, ҳисоб-китоб ишларининг тўғри амалга оширилишига асос бўлаяпти.

Афсуски, шундай бўлса ҳам дебиторлик қарзларини камайтириш борасида кескин силжишга эришмаётирмиз. Шаҳар ва қишлоқларда 12 минг 337 хонадоннинг газдан қарзи 1 миллиард 8 миллион сўмга етиб борди. Кейинги ойларда 4 мингдан кўпроқ хонадон билан ҳисоб-китоб қилиниб, 200 миллион сўмга яқин эски қарзлар ундирилди.

Дебиторлик қарзларини ундиришда маҳалла, қишлоқ ва шаҳарчалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлик, айниқса яхши самара бераяпти.

Улгуржи мижозларимиздан 439 таси 6,4 миллиард сўмга яқин қарз бўлиб қолган эди. Айрим қарздорликларга тааллуқли ишларни хўжалик судларига топширдик. Суд қарорлари чиқарилиб, бу қарзнинг асосий қисми ундирилди.

— **Президентнинг янги қарори асосида тармоқда қандай ўзгаришлар қилиниши кўзда тутилмоқда? Унинг беражак самараси ҳақида нима дея оласиз?**

— Бизнинг вилоят ҳудудий газ таъминоти корхонамиз шу қарорга асосан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси таркибига ўтказилади. Шу жараёнда ҳудудий газ таъминоти корхоналари негизида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналари шаклидаги олтита ҳудудлараро корхона ташкил этилади. Уларга акциядорлар томонидан шартнома топшириғи асосида газ тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш ваколатлари берилади.

Бунинг аҳамияти нимада? Амалга оширилаётган таркибий такомиллаштириш натижасида газ таъминотчилари билан истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатлари бевосита тус олади. Газ тақсимлаш ва истеъмолчиларга узлуксиз, бир маромда етказиб бериш ҳам бевосита «Ўзтрансгаз» тасарруфига ўтади. Иш шартномавий асосда йўлга қўйилиши эса ҳар икки томоннинг истеъмолчилар олдидаги, қоларверса, истеъмолчиларнинг таъминотчилар олдидаги масъулиятини кучайтиради.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СИЗЛАР УЧУН, ТАДБИРКОРЛАР

Республика Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк»нинг ҳамкорликдаги ташаббуси билан қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда банкнинг шаҳар ва туманлардаги филиаллари вакиллари, ахборот-маслаҳат марказлари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар асосий эътиборни янги ташкил этилган банк томонидан тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имкониятлар, кредит олиш тартиблари, унинг афзалликларига қаратишди.

— Ҳозир банкимиз асосан учта йўналишда кредитлар тақдим этмоқда, — дейди вилоят «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси Иброҳим Салимов. — Улар 18 ой, 2 йил ҳамда 3 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, 5,7 фоиз билан бериладиган кредитлардир. Лизинг кредити асосида эса, тадбиркорларимизнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари учун зарурий техника ва технологиялар, асбоб-ускуналар харид қилиш имконияти яратилади. Энг муҳими, кредитларимизни олиш қулай, фоиз жиҳатдан арзон.

Тадбир якунида палата қошида тадбиркорларнинг кредит олиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курсларини ташкил этишга келишиб олинди. Шу куннинг ўзида 5 нафар тадбиркор кредит олиш истаги борлигини билдирди. Йилнинг охиригача уларнинг сафи 40 тага етиши кутилмоқда.

Хуршида МЎМИНОВА.

Семинар-тренинг

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ АНЖУМАНЛАРИ

Янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Вилоят халқ таълими тизими ходимлари бу санани муносиб кутиб олиш учун астойдил харакат қилдилар. Жойларда ўқув-таълим муассасалари деярли тахт қилиб қўйилди ёки охирги таъмир ишлари тугалланмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тузилган жадвал асосида ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари ва ялпи йиғилишлар давом этмоқда.

Тошкент тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаб раҳбарларининг «2006-2007 ўқув йилини самарали ташкил этишда, таълим самарадорлигини оширишда мактаб раҳбарларининг вазифалари ва роли» мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этишда мактаб директорининг вазифалари, ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими низомидаги ўзгаришлар, директор жамғармасидан самарали фойдаланиш, фанлар бўйича услубиёт бирлашмалари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари кўрилди.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар, таълим самарадорлигини оширишда мактаб раҳбарларининг роли алоҳида аҳамиятга эга, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Ғафуржон Ҳусанов. — Мактаб фаолиятини самарали режалаштиришда раҳбарнинг чуқур билим ва тажрибаси, ўз вазифасига масъулият билан қараши зарур жиҳатлардан биридир.

6-мактаб директори Шавкат Муродбеков бой тажрибаси, раҳбарликнинг ўзига хос томонлари, замонавий зарур билим ва тажриба ҳақида сўзлади.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 21

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 11.10, 12.40, 14.15, 17.10, 18.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.50, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Уддабурон болалар». Фильм. «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/с
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!».
11.20 «Дил таронаси».
11.25 «Шўрданак».
11.50, 12.45 «Алла». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-2-қисм.
13.25 «Одами эрсанг».
13.45 «Минг бир ривоят».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Истиқболга элтувчи йўллар».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40, 23.15 «Ўзбекистон маданияти, анъаналари, урф-одатлари».
18.15 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.35 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20, 21.40 «Ватан фидойилари». «Бу менинг Ватаним!».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
22.00 «Шаффоф қўл». Т/с.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

16.00, 19.00, 22.00 Давр.
16.15, 17.55, 19.30 Анонслар.
16.20 Шум болалар.
16.30, 20.25, 22.30 Кино-SMS.
16.35 Олис манзиллар.
16.55 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
17.05 Ватан ҳақида ўйлар.
17.10 «Ҳазина». Беҳзод миниатюралари 2-кўрсатув.
17.25 «Моя мечта». Дунё таомлари.
18.00 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
18.40, 19.35 UzEX хабарлари.
18.55 Менинг диёрим!
19.45, 21.40 SMS-наволар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ракурс.
20.30 CINEMANIYA.
20.50 Тақдир.
21.10 «Учрашув». Б/ф.
22.35 «Огоҳлантириб севиш». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино. «Каролина Лемб хоним». 1-қисм.

СПОРТ (SPORT TV)

18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортимиз маликалари».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 «Баҳодирлар ўйини».
23.30 Енгил атлетика. Олий лига.

Ҳамза туманидаги «ORIENT-FLOR» МЧЖ ўзининг устав фондини 1970000 сўмдан 570000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Ҳамза туманидаги «Profil Enterprise» қўшма корхонаси «Profil Enterprise» МЧЖга айлантирилмокда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 361-35-62 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

СЕШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.10, 14.15, 16.15, 17.50, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50 Олтин мерос.
8.50, 12.15, 23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». «Хатирчи». «Ўзгариш».
9.10 «Ўйла, Изла, Топ!» «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/с
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.30 «Минг бир маслаҳат».
12.50, 22.00 «Шаффоф қўл». Т/с.
15.20 «Заковат».
16.20 «Рангин дунё».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Ватан фидойилари».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Обод манзиллар».
17.40 «Дил таронаси».
17.55 «Агар Сиз...».
18.15 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.35 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 2-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Аёл қалби наволари». Ҳ. Ҳамидова.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Анпанман». М/с
8.35 Эврика.
8.45, «14.15 Фан» туркуми: «Ер ости хазиналари». «Табиатни тозаловчилар».
8.55, 10.55, 14.55, 19.55, 22.30 Кино SMS.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 «Journal».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 16.15, 17.55, 19.30, 21.55 Анонслар.
10.20 CINEMANIYA.
10.40 Ракурс.
11.00 Ҳазина.
11.15 Тақдир.
11.35 Ўсмирлар симфоник оркестри намойиш этади.
12.15 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Меъёр – соғлиқ гарови».
12.35 Шоҳсупа.
12.55, 17.50, 21.30 Ватан ҳақида ўйлар.
14.25 Якшанба нонуштаси.
15.00 «Экспедиция». Т/с.
15.50 Ёшлик наволари.
16.20 «Санников ери». Б/ф.
18.00 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
18.40 Футбол – 2006.
18.55 Менинг диёрим!
19.35 Автопатруль.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10, 21.35 SMS-наволар.
20.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига: «Эрта бугундан бошланади». 1-қисм.
22.35 «Ишқ сурури». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига. «Репортаж».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Бахтли бўлинг».
22.50 Кино. «Каролина Лемб хоним». 2-қисм.

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.20, 20.25 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
10.20 «Талисман». Т/с.
12.00 Жаҳон спорти. Теннис.
18.15 М/с
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.00 «Вести».
21.50 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
22.10 Еврофутбол.
23.45 Енгил атлетика. Олий лига.

ЧОРШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.45, 14.15, 16.35, 17.10, 18.30, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15 Олтин мерос.
8.45, 23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзгариш». «Қизилтепа».
9.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин. «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/с
10.00 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали. Қорақалпоғистон.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!».
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Агар Сиз...».
12.50, 22.00 «Шаффоф қўл». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00 «Бизнинг кутубхона».
18.10 «Жараён».
18.35 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 3-қисм.
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20, 21.40 «Ватан фидойилари». «Бу – менинг Ватаним!».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Анпанман». М/с
8.35 Ёнимдаги бахт.
8.40, 11.20, 16.15, 17.55, 19.30, 21.55 Анонслар.
8.45, 14.15 «Фан» туркуми: «Ер ости хазиналари». «Табиатни тозаловчилар».
8.55, 12.55, 17.20, 22.30 Кино SMS.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20, 20.30 «Эрта бугундан бошланади». 1-2-қисм.
11.25 «Девона». Б/ф.
14.25 Дунё бўйлаб... 1-қисм.
14.45 Футбол – 2006.
15.00 «Экспедиция». Т/с.
15.50 Ёшлик наволари.
16.20 «Ватанпарвар» дастури.
17.25 Ўсмирлар симфоник оркестри намойиш этади.
17.40 Замондош.
18.00 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 3-қисм.
18.40 Болалар табассуми.
18.45 Каталог.
18.55 Менинг диёрим!
19.35 ТВ-дорихона.
19.45, 21.35 SMS-наволар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Тараққиёт сари.
21.30 Аждодлар садоси.
22.35 «Дюплекс». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.45 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с. /рус/.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.05 «Суҳбатдош».
22.20 «Киноконцерт».
22.50 Кино. «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.20 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
9.40, 20.30 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
10.40 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.15 «Талисман». Т/с.
12.00 Кучли бешлик.
18.00 «Умид юлдузлари».
18.15 М/с
18.50 «Х/ф сеҳри».
19.20 «Саргузашт излаб».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
21.50 «Келин-куёв».
23.00 Еврофутбол. Чемпионлар лигаси.

ПАЙШАНБА 24

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.50, 11.10, 14.15, 19.00, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50 Олтин мерос.
8.45, 23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қизилтепа». «Қандай гўзал бу дунё».
9.00 «Қувноқ стартлар». «Катта бўлишни хоҳламайман». Фильм.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.30 «Дурдаршан».
12.50, 22.00 «Шаффоф қўл». Т/с.
15.20 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Д. Пуччини. «Манон Леско». 1-қисм.
16.25 «Болалар дунёси». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10, 18.20, 21.40 «Ватан фидойилари». «Мен туғилган юрт». 1-қисм. «Бир ўлка-ки».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.35 «Буюк Амир Темур». Видеофильм. 4-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.30 «Кўзларинг маъюс». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Анпанман». М/с
8.35 Китоб жавони.
8.45, 14.15 «Ер ости ҳазиналари». «Табиатни тозаловчилар».
8.55 Кино SMS.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 Полапон.
10.00, 13.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20, 20.30 «Эрта бугундан бошланади». 2-қисм.
11.20 Тараққиёт сари.
11.40 «Ажойиб хаёлпараст».
12.55 Анонслар.
14.25 Дунё бўйлаб. 2-қисм.
14.40 Автопатруль.
15.00 «Экспедиция». Т/с.
15.50 Ёшлик наволари.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Ҳандалак.
16.40 Ёнимдаги бахт.
16.45 Чемпион сирлари.
17.05 Ватан ҳақида ўйлар.
17.10 Антиқа томоша.
17.40 Кино SMS.
17.45 Сифат белгиси.
17.55 Анонслар.
18.00 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 4-қисм.
18.40 Давр мавзуси.
18.55 Менинг диёрим!
19.00 Давр.
19.30 Анонслар.
19.35 «Машҳура» қизлари.
19.55 SMS-наволар.
20.10 Маънавият масканлари. «ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ». 3-қисм.
21.30 Аждодлар садоси.
21.35 SMS-наволар.
21.55 Анонслар.
22.00 Давр.
22.30 Кино SMS.
22.35 «Сеҳрли диёр». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Репортаж».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 Кино. «Омадли жентльменлар».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.20 «Спорт – клуб».
9.40, 20.25 «Ҳаёт гўзал».
10.40 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.15 «Талисман». Т/с.
12.00 Волейбол. Жаҳон лигаси.
18.15 М/с
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.20 «ГеймСетМатч» теннис шарҳи.
19.40 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
21.50 «Беллашув».
22.50 Еврофутбол.

ЖУМА 25

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.40, 11.10, 12.45, 14.15, 17.10, 17.35, 19.00, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15 Олтин мерос.
8.45, 23.15 «Қандай гўзал бу дунё». «Бўстонлиқнинг бир куни».
9.00 «Цирк, цирк, цирк». «Ишбилармон кишилар». Фильм.
10.45 Дутор тароналари.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги».
12.00 «Ҳажвия бисотидан».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50, 22.00 «Шаффоф қўл».
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
15.20 «Жаҳон мусиқаси ҳазинасидан». Д. Пуччини. «Манон Леско». 2-қисм.
16.25 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.45 «Меҳр кўзда».
17.20 «Бизнес янгиликлари».
17.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.20, 19.20, 21.40 «Мен туғилган юрт». 2-қисм. «Ватан фидойилари». «Бу – менинг Ватаним!»
18.35 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 5-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.30 «Кўзларинг маъюс». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Анпанман». М/с
8.35 «Кичкинтой» театри: «Ростгўй бола».
8.45 «Фан» туркуми: «Ер ости хазиналари».
8.55 Кино SMS.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 ТВ-дорихона.
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 «ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ». 3-қисм.
11.20 Интерфутбол.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Фан» туркуми: «Табиатни тозаловчилар».
14.25 Давр мавзуси.
14.40 Маънавият масканлари.
15.00 «Экспедиция». Т/с.
15.50 Ёшлик наволари.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 «Машҳура» қизлари.
16.40 Кино SMS.
16.45 «Суғур куни». Б/ф.
18.25 Солиқ хизмати хабарлари.
18.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.55 Менинг диёрим!
19.00 Давр.
19.30 Анонслар.
19.35 SMS-наволар.
19.45 Матонат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 SMS-наволар.
20.30 «ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ». 4-қисм.
21.30 «Моя мечта». Дунё таомлари.
22.00 Давр.
22.30 Кино SMS.
22.35 «Томоша бошланади!» Х/ф.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 «Покахонтас».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Афиша».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Саломат бўлинг».
22.20 «Афиша».
22.50 «Кавказ асираси».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35 «Андерсен эртаклари».
9.25 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
10.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.15 «Талисман». Т/с.
12.00 Волейбол. Жаҳон лигаси. Финал турнири.
18.20 М/с
18.55 «Мўжизалар майдони».
20.00 «Вести».
20.20 Концерт дастури.
21.50 «Фаришта». Б/ф.
23.40 Еврофутбол. Европа суперкубоги.

ШАНБА 26

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 12.25, 14.15, 17.20, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.45 «Ҳидоят сари».
10.05 «Оналар мактаби».
10.25 «Рангинкамон». «Дидар».
11.05 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.40 «Интеллектуал ринг».
12.30 «КиноТеатр».
12.50, 22.20 «Шаффоф қўл». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Олтин бешик».
17.55 «Одами эрсанг».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 6-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «Омон бўлинг!».
20.10 «Навобахш».
21.40 «Шийпондаги учрашувлар». Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
23.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.35 «Шерюрак». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 У ким? Бу нима?
8.30 «Фан» туркуми: «Ер ости хазиналари».
8.40 Матонат.
8.55 «ЗЕРДА». Т/с. 15-қисм.
10.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 «ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ». 4-қисм.
11.20 Юлдуз билан.
11.50 «ЗЕРДА». Т/с. 16-қисм.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Фан» туркуми: «Табиатни тозаловчилар».
14.25 «Осмондаги болалар-I». Б/ф.
15.55 Кино SMS.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Рўзғор мактаби.
16.40 Бола тилидан.
17.10 Кино SMS.
17.15 Кўшқулоқ.
17.35 Чемпион сирлари.
17.55 Анонслар.
18.00 «Кун тартиби». 13-отряд.
18.50 Каталог.
19.00 Давр.
19.30 Анонслар.
19.35 «Камолот» хабарлари.
19.45 «Қўшиқнинг туғилиши». Равшан Комилов.
20.15 Ватан ҳақида ўйлар.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Т/с. 17-қисм.
21.50 SMS-наволар.
22.00 Давр.
22.30 Кино SMS.
22.35 Оҳанрабо.
23.15 «Рамзий оқ патлар». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

8.00 – 12.00 «Салом, Тошкент!».
18.00 «Табассум».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Камин олдида суҳбат».
22.50 Кино. «Сабрина».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30, 8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Смак».
9.25 «Фазенда».
10.00 «Паҳлавон».
10.30 «Юлдузлар буржидаги Щен». Фильм.
11.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.30 «Иқтидор».
13.20 Волейбол. Жаҳон лигаси.
14.20 Снукер.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.50 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
19.10 «Афсонанинг туғилиши». «Бриллиант қўл». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Вести».
20.20 «Сув париси». Зафар сари етти қадам».
20.50 «Халқ ўйинлари».
21.10 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
21.50 «Рицарь воқеаси». Б/ф. 1-қисм.
22.50 Еврофутбол. Англия чемпионати.

ЯКШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, «Ахборот».
8.35, 10.50, 13.15, 17.45, 21.45 ТВ анонс.
8.40, Олтин мерос.
8.50 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Чипполино». Фильм.
10.55 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
11.15 «Меҳр кўзда».
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ҳажвия бисотидан».
12.20 «Ҳаёт давом этади».
12.40 «Шийпондаги учрашувлар». Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
13.20, 22.20 «Шаффоф қўл». Т/с.
15.20 «50х50».
16.10 «Шарқ маликаси».
17.10 «Олтин тож». Телеўйин.
17.50 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
23.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.35 «Шерюрак». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Оҳанрабо.
8.45 «Камолот» хабарлари.
8.55 Ватан ҳақида ўйлар.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 «Journal» (инглиз тилида)
10.15 Якшанба нонуштаси.
10.45 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
11.40 Анонслар.
11.45 «НИҲОЛ» мукофотини топшириш маросими.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Анонслар.
14.20 Кино SMS.
14.25 «Осмондаги болалар-2». Б/ф.
15.50 Анонслар.
15.55 Чемпион сирлари.
16.15 Ринг қироллари.
17.05 Кино SMS.
17.10 «Гап йўқ... »
17.55 SMS-наволар.
18.15 Анонслар.
18.20 МУҲЛИС-ШОУ.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Кино SMS.
19.45 «Дилрабо». Ёқут Ражабов куйлайди.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Т/с. 18-қисм.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «Абдуллажон». Б/ф.
23.20 - 23.25 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ tTv

8.00 – 12.00 «Салом, Тошкент!».
18.00 «Табассум».
18.15 Мусиқа SMS.
18.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.00, 23.00 «Телекурьер-маркет».
19.15 «Анонс».
19.20 «Санъат гулшани».
19.35 «Нима учун?»
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Туризм ҳақида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30, 23.15 Якшанба кинозали: «Ҳамроз ёхуд сирли дўст». 1-2-қисм.

СПОРТ (SPORT TV)

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.25 «Ҳамма уйдалигида».
10.20 «Аралаш».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00 «Проф-РИНГ».
12.50 Мусиқий марафон.
13.30 «Аптека эшитади».
14.15 «Кўнгилга йўл».
18.00 «Умид юлдузлари».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм - аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Машҳурлар». Джордж Лукас. Ҳужжатли фильм.
21.10 «Тенгдош».
21.30 «Талқин».
22.00 «Рицарь воқеаси». Б/ф. 2-қисм.
23.00 Еврофутбол.

Тошкент вилояти телекоммуникация тармоғидаги абонентлар диққатига!

Вилоят телекоммуникация тармоғининг такомиллаштирилиши муносабати билан шаҳар ва туман марказий АТСлари ягона 7 рақамлаш сиғимига ўтказилиб, вилоят ичида шаҳарлараро тармоққа чиқиш «8» шаҳарлараро код рақамини термасдан қуйидагича ўзгартирилди:

Териш тартиби:	
Пскент туманига	54ххххх (абонент рақами)
Оққўрғон туманига	55ххххх (абонент рақами)
Қуйичирчиқ туманига	56ххххх (абонент рақами)
Бўка туманига	57ххххх (абонент рақами)
Янгийўл туманига	58ххххх (абонент рақами)
Чиноз туманига	59ххххх (абонент рақами)
Янгийўл шаҳрига	60ххххх (абонент рақами)
Олмалиқ шаҳрига	61ххххх (абонент рақами)
Оҳангарон туманига	64ххххх (абонент рақами)
Ангрен шаҳрига	66ххххх (абонент рақами)
Чирчиқ шаҳрига	71ххххх (абонент рақами)
Паркент туманига	72ххххх (абонент рақами)
Бўстонлиқ туманига	74ххххх (абонент рақами)
Қизилтоғ шаҳрига	75ххххх (абонент рақами)
Ўртачирчиқ туманига	76ххххх (абонент рақами)
Бекобод шаҳрига	91ххххх (абонент рақами)
Бекобод туманига	93ххххх (абонент рақами)
Қибрай туманига	95ххххх (абонент рақами)
Тошкент туманига	96ххххх (абонент рақами)
Зангиота туманига	97ххххх (абонент рақами)
Юқоричирчиқ туманига	98ххххх (абонент рақами)

Вилоят тармоғи ичидаги шаҳарлараро сўзлашувлар учун тўловлар амалдаги нархнома асосида қолдирилган. Тошкент вилояти доирасидан ташқари йўналишларга шаҳарлараро сўзлашув учун чиқиш амалдаги тартибда қолдирилган.

Маълумот учун телефонлар:
138-12-30, 8 (371) 763-00-00, 763-00-01.

Алоқа хизматидан фойдаланганингиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

«Тошкент-Телеком» филиали маъмурияти.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти Ангрен шаҳри таркибидаги Янгиобод қўрғонига бириктирилган шаҳарлараро «268» зона кодининг 2006 йил 22 августдан ёпилиши муносабати билан Янгиобод АТС абонентларига шаҳарлараро кириш алоқанинг боғланиши шаҳарнинг шаҳарлараро телефон операторлари орқали амалга оширилади.
Шаҳарлараро алоқа тармоғидан боғланиш учун оператор телефон рақамлари:

8 (371) 6652223
8 (371) 6652224
8 (371) 6621494

Шаҳарлараро сўзлашувлар учун тўловлар амалдаги нархнома асосида қолдирилган.
Маълумот учун телефонлар:
138-12-30, 8 (371) 763-00-00, 763-00-01.
Алоқа хизматидан фойдаланганингиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

«Тошкент-Телеком» филиали маъмурияти.

«Навбаҳор» ширкат хўжалигини тугатиш ва фермер хўжаликларига қайта ташкил этиш махсус комиссияси қўй қўраси ва 525 бош қўй-қўзиларни сотувга қўяди.

**Бошланғич нархи — 27 000 000 (йигирма

Чирчиқ шаҳри:

ДАВРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИДА ИМКОНИЯТ МУЖАССАМ

Мустақилликнинг 15 йиллигига

4. ШОДИЁНА ШУКУҲИ ҲУКМРОН

Чирчиқ – нафақат ривожланган саноат шаҳри, балки етук маданият марказларидан ҳамдир. Айниқса, кейинги йиллар шаҳар ижтимоий ҳаётидаги янгиланиш ва юксалиш жараёнлари алоҳида изчиллик ва жадаллик касб этиб бормоқда. Хусусан, ёш авлод тарбияси, уларни ҳар тарафлама етук ва баркамол қилиб вояга етказиш масаласи ҳамиша эътиборда бўлмоқда.

Айни вақтда бу ерда 25 та умумтаълим мактаби, 44 та мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳамда меҳрибонлик уйи мавжуд бўлиб, уларда 30 мингга яқин келажагимиз давомчилари камол топаётирлар.

Тизимда жорий этилаётган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари давлат таълим стандартларига мувофиқлаштирилиб, интерфаол усулларни қўллашда мунтазам тажриба-синов назоратининг олиб борилаётгани ўз самарасини бераётир. Бугунга келиб чирчиқлик ёшлар фан олимпиадалари ва бошқа мамлакат ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловларда иштирок этиб, муваффақият қозонаётирлар. Чунончи, шаҳардаги 9-мактаб ўқувчилари Ирина Колонова, Егор Блаженев, Екатерина Ким фан олимпиадасининг ҳудудий босқичларида ғолибликка эришиб, республика миқёсида фахрли ўринларга лойиқ топилди. Яна шаҳардаги тўртта мактаб халқаро «АКСЕЛС» ташкилоти ва Гёте институти билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ўқувчиларнинг халқаро танловларда қатнашиш ва ривожланган давлатларга бориб, малака ошириб келишларига кенг йўл очмоқда. Шунингдек, бир қатор ўқитувчи-мураббийлар ҳам хориж давлатларида тажриба алмашиб қайтдилар. Д. Носирова, С. Самадова, С. Турсунова, Т. Ғафурова, Г. Муродова каби ўнлаб касб фидойилари «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларида муваффақият қозондилар.

Албатта, ҳеч қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Шу маънода, мамлакатимизда таълим-тарбия салоҳиятини юксалтиришга қаратилаётган ислоҳотлар эришилаётган муваффақиятларнинг бош омили бўлаяпти. Хусусан, «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ бу йил шаҳардаги 4 та мактаб тубдан таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилинмоқда.

Бу каби кенг кўламдаги ижобий ўзгаришларни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кузатиш мумкин. Бу аввало, шаҳарликлар саломатлигини тиклаш, уларга мунтазам сифатли тиббий хизмат кўрсатишга замин яратмоқда.

Бу йил марказий шифохонанинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланганини айтиш жоиз. Шифохонага қўшимча 3 та янги «Тез ёрдам» машинаси ва кўплаб замонавий тиббиёт анжомлари келтирилди. Беморлар даволанадиган махсус хоналар, хусусан, терапия, кардиология, физиотерапия, лаборатория ва овқатланиш мажмуасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Барча бўлим ва мажмуалар зарурий техник воситалар билан қайта жиҳозланди. Бунда айниқса, ҳомийлар кўмаги катта бўлди.

— Шаҳримизда фақат байрам кунлари эмас, ҳамиша кўтаринкилик ва шодлик ҳиссини туйиб яшаймиз, — дейди чирчиқлик маънавият жонкуяри Рихси Бекбўтаева. — Катта-кичик маданият саройларимиз, боғ-ҳиёбонлар ва йирик ўйингоҳларда тез-тез халқ сайиллари, оммавий шоулар, қизиқарли учрашувлар, бадиий-мусиқий кечалар ўтказиб туриш яхши анъанага айланган. Ҳозир ҳам ҳар гўшамизда чинакам байрам шукуҳи ҳукмрон.

Дарҳақиқат, шаҳарда ўтказиб келинаётган турфа маданий-маърифий тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларининг кўлам ва қамрови ниҳоятда кенг. Улар ёшларда ватанпарварлик ва бирдамлик, фидойилик ва огоҳлик ҳиссини шакллантириш, келажак давомчиларини маънан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Йил бошидан буён шаҳардаги «Кимёгарлар» ўйингоҳида ўнга яқин маданий тадбирлар, хусусан, «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Ҳомийлик — улуғлар фазилати» каби хайрия тариқасидаги оммавий концерт дастурлари намойиш этилди.

Чирчиқ — ўзига ҳос спорт шаҳри ҳамдир. Бу ерда мамлакатимизда ягона ҳисобланган йирик иншоотлари, ўйингоҳлар, мактаблар мавжуд. Мамлакат ва халқаро миқёсдаги кўплаб нуфузли мусобақалар ҳам айнан шу ерда ташкил этилаяпти. Хусусан, гандбол, таэквандо, бокс, кураш бўйича республика чемпионатлари бу йил Чирчиқдаги замонавий спорт иншоотларида ўтказилди. Қувонарлиси, бу ва бошқа мусобақаларда шаҳар спортчилари, айниқса, ёш ҳаваскорлар муносиб ютуқларга сазовор бўлишаяпти.

Бу борада яна бир ибрат бўларли жиҳат шуки, шаҳарда ижтимоий аҳамиятга эга ҳар бир сана ва байрам кунларига бағишлаб оммавий спорт тадбирлари мунтазам ташкиллаштирилади. Уларга минглаб ёш ўғил-қизлар қамраб олинаяпти.

Хотима ўрнида айтиш лозимки, Чирчиқ бугун ўзининг муносиб доврўқ ва салоҳиятига яраша Истиқлол сари дадил одимлаётир. Меҳнатсевар ва фидойи шаҳарликлар, айниқса, етилиб келаётган Истиқлол ёшлари ўз ҳудудлари равнақи ва ривожи йўлида ҳамиша камарбаста бўлишларига шубҳа йўқ.



СУРАТЛАРДА: чирчиқлик чармкўлқоп устаси Рустам Саидов; спорт устаси Юлия Борзова қатор халқаро мусобақаларда совриндор бўлиб қайтмоқда; 12-умумтаълим мактаби янги ўқув йилига тахт.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

«Осиё чемпионати – 2007»

МАҒЛУБИЯТДАН ФАРҚИ ЙЎҚ ДУРАНГ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2007 йилги Осиё чемпионати финалида қатнашиш истагида «F» гуруҳидаги Қатар, Гонконг ва Бангладеш миллий терма жамоалари билан баҳс юритмоқда.

16 август куни барча гуруҳларда 3-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз вакиллари «Пахтакор» стадионида Гонконг миллий терма жамоасини қабул қилди. Бу икки терма жамоа 2 учрашувдан сўнг 3 тадан очкога эга бўлиб, 2- ва 3-ўринларни бўлишиб турган эдилар. Шу кунгача юртдошларимиз меҳмонлар билан 3 бор расмий мусобақаларда баҳс юритиб, барчасида зафар қучганлар.

Лекин, афсуски, улар бу сафар ишқибозларни ранжитдилар. Мухлислар футболчиларимизнинг йирик ҳисобда ғалаба қозонишларига шубҳа қилмагандилар. Ўзбекистон жамоаси ўз майдонида режалаштирган 3 очкони қўлга кирита олмади ва мағлубиятга тенг дуранг (2:2) натижани қайд этди.

Гуруҳдаги бангладешлик футболчилар ўз майдонларида Қатар футболчилари билан баҳс юритдилар. Гуруҳ пешқадами Қатар жамоаси 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, ҳисобидаги очколар сонини 9 тага етказди.

Талъат ЮСУПОВ.

БАНГКОК МЕДАЛЛАРИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида гиламга чиккан ҳамюртларимиздан – эркин курашчилар Ихтиёр Наврўзов, Маъруф Нуруллаев ҳамда Ойбек Камолов шохсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади.

Тўрт нафар эркин курашчимиз – Абай Бекетов, Воҳид Тошев, Умид Усмонов ҳамда Азим Раимжонов бронза медали соҳиблари бўлди.

Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик эркин курашчилар учинчи ўринни эгаллади.

Юнон-рум кураши бўйича беллашган Рустам Султоновга кумуш, Нурбек Ўктамов ҳамда Дилмурод Абдуллаевга эса бронза медали насиб қилди.

ЎзА.

ЧИРЧИҚДА БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида бокс бўйича ўтган Ўзбекистон чемпионатида 150 нафардан зиёд чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун рингга чиқди.

Унда барча рақибларини мағлубиятга учратган фарғоналик спортчилар – Рафиқжон Султонов, Шерзод Хусанов, Элшод Расулов, андижонлик Улуғбек Холмуродов, Баҳодир Султонов, Элёр Ғуломов, пойтахтлик Беҳзод Хидиров ва Зокир Ортиқов шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Шунингдек, гулистонлик Орзубек Шойимов, Бухоро вилояти шарафини ҳимоя қилган Аббос Отаев ҳамда Нодир Ғуломов ҳам мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Санъат

ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика Киночилар уйида «18-квадрат» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Режиссёр Жаҳонгир Қосимов «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олган ушбу картинада ҳарбийларимизнинг Ўзбекистон ҳудудига суқилиб киришга уринган ёвуз кучлар – террорчиларга қарши мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Томошабин олис тоғлар орасида рўй бераётган фожиали ҳодисалар — муайян геосиёсий мақсадлар йўлида ҳеч бир ҳунрезликдан қайтмайдиган кучлар томонидан уюштирилган сиёсий буюртма эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Ҳаётий воқеалар асосида суратга олинган бадиий фильмнинг сценарий муаллифи – таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст. Картина оператори – Нажмиддин Ғуломов. Бастакор – Жамшид Изомов. Етакчи ролларни Саид Мухторов, Тоҳир Саидов, Жавоҳир Қосимов каби актёрлар ижро этган.

«18-квадрат» мамлакатимиз Истиқлолининг 15 йиллик байрами арафасида – 30 августдан кинотеатрлар экранига чиқарилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Шундан кейин

САХАЛИНДА ЗИЛЗИЛА

Кеча Сахалинда Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балл куч билан ер қимирлади. Унинг маркази Горнозаводск қўрғонидан 20 километр шарқда эканлиги маълум қилинмоқда.

Зилзила натижасида Невель районининг Шебунино ва Горнозаводск қўрғонларининг сув таъминоти тизими ишдан чиққани ҳақида хабарлар бор.

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Вашингтон федерал суди тамаки компаниялари гуруҳини чекишнинг зарарли оқибати ҳақидаги ҳақиқатни неча ўн йиллар мобайнида яшириб келганликда айблади.

Суд сигарет ишлаб чиқарувчилар зиммасига мазкур сигарет зарарини камайтириб кўрсатувчи иборалардан воз кечиш, шунингдек босма ОАВ ва телевидениеда «тузатиш баёнотлари» билан чиқиш мажбуриятини юклади.

Тадбир

ЮРТИМИЗНИНГ МОВИЙ СОПОЛИ

«Ўзбекистон сополи: шакл, безак, семантика» – Тошкентда бир ҳафта давомида шу номдаги халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

У таниқли уста, академик Акбар Раҳимовнинг «Усто-Шогирд» кулолчилик мактаби базасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ўтказилди. Семинар ишида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан кулоллар ҳамда санъатшуносларнинг, тарихчи олимлар иштирок этди.

Бу – қадимий кулолчилик санъати мутахассисларининг «Ўзбекистоннинг мовий сополи» лойиҳаси доирасида иккинчи учрашуви. Июнь ойи охирида кулоллар анъанавий технология ва материалларни тиклаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Бу галги семинарда улар фикр алмашишни давом эттириб, сопол буюмларнинг дизайни ва анъанавий безакларини муҳокама қилдилар.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Шанба фельетони

АСОМ ҒАДАНГ «АФСУС» ДЕДИ

— Бу не ҳолки, йигитлари — лайлосифат, қизлари — мажнунрухсор...

— Об-бо, мулла Асомиддинга қаттиғидан текканга ўхшайдику.

Наби юмшоқ бўш пиёлани Ғани пўримга қайтараётиб, чорпояга шаҳд билан яқинлашаётган Асом ғадангга ишора қилди. Пўрим мийиғида кулиб қўя қолди.

Ғаданг тўғри келиб, ҳамма билан бир-бир қўл олишди, Соли чакакнинг ёнига тиз чўкди. Узатилган пиёлани қўлига олиб, босиб-босиб учтўрт хўплашда бўшатди-да, Пўримга қайтарди.

— Ҳа, жа ичингиз ёнаяптими? — сўради Юмшоқ.

— Ёнаяпти! Олов бўлиб ёнаяпти!

Ҳамма беихтиёр Ғадангга тикилди. У чорси билан қўл-бетини артиб, елпинарди.

— Не гапки, вужудингиз олов пуркайди? — яна сўради Юмшоқ.

— Э, Наби ука, нега ёнмайин? Қандоқ қилайки, тутамайин?! — Ғаданг чорсини елкасига ташлаб, чордона қуриб олди. — Шу келишда шаҳардан келаяпман. Жиянникига тушгандим. Тўйга...

Ғадангнинг куфурини оширган биринчи ҳолат маҳалла гузаридаёқ юз берди. Тўйхонадан одамлар ҳийла аригач, йўл тараддудига тушди. Кечроқ ўзимиз қишлоққа етказиб қўямиз, дейишганига кўнмади. Жиян бекатга кузатиб бораётса, рўпарада бир тўда ёш-яланг пайдо бўлди. Булар боришаяпти, қўл орқада, салмоқланиб. Улар келишаяпти, пиртоволни тўлдириб, чулдирашиб. Биронтаси ўзини четга олай, йўл берай, демайди. Сап-сариқ, тола-тола, ним жингалак сочлари қошкўзини қоплаб олган биттаси Ғадангни чап тирсаги билан туртиб ўтди. Тоға билан жиян ўртасига беданақадам юриш қилиб бири суқилди. Эгнида қатирмоч шим, тўрт энлик қора матони киндик устидан ўраб олган, кўкраклар ярим очиқ. Яланғоч елкада қўнғир сочлар чалкаш-чулкаш.

Ғаданг биқинини силаб, анграйганича қолаверди:

— Қизи тушмагурнинг тирсаги қаттиқ ботди-ку.

— Қанақа қиз, қайси қиз?

Жияннинг юзига кулгу ёйилди.

— Ўнгдагиси, қулоқларига зирак тақиб олгани, — деди Ғаданг.

— Вой, тоға-ей! — энди жиян қотиб-қотиб кула бошлади. — Қиз эмас у. Йигит.

— Йўғ-е, — Ғаданг унинг қадам олишига энди эътибор берди. — Чолворини қара, баччағарнинг.

— Қўшним Абдуғаффор домланинг ўғли, — тушунтирди жиян. — На ишда бор, на ўқишда. Такасалтанг. Ёнидагиси бор-ку, шим кийгани, келин бўлади.

Ғадангнинг эси оғиб қолди. Жияннинг сўзлари олисдан эшитилаётгандек туюларди.

— Ота-она — Баҳрайнда, тижоратда. Яқинда бирров келиб, шу ўғилни уйлантириб кетишди.

Бекатга автобус келиб тўхтади. Ўрта эшик очилди. Зинада бўйдор қиз пучқоқ киндигини бекатдагиларга кўз-кўз қилиб, бир фурсат тўхтади. Унинг очиқ елкаларига юқорида бир йигитнинг сони суйкалиб турибди. Ниҳоят, қиз ўзини пастга олди. Йигит зинадан тушаётганида тақимигача очилиб кетди.

— Шим-пим кийиб олса бўлмасмикан, уятсиз, — деб қўйди Ғаданг энсаси қотиб.

— Шортик...

Жиян гапини тугата олмади.

— Нима? — Ғадангнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. — Чортик? Болалигимизда ажинаалвастиларни шундай атардик. Туппа-тузук йигит ўзини-ўзи алвастига айлантириб қўйибдида. Ё, кудратингдан?!

— Чортик эмас, шортик, — уқтирмоқчи бўлди жиян. — Тиззадан юқори шим дегани.

— Кап-катта бола сонини лорсиллатиб, кетини очиб юрса-я, — ҳамон ўзига келолмасди Ғаданг. — Бўпти-бўпти, замон тескари бўпти. Қизлари шим кийган, йигитрухсор, йигитлари бу алпозда — ажинасифат. Ана томоша-ю мана томоша.

Ғаданг кўрган-кечирганларини улфатларига гапириб бўлгач, боядан буён дастурхон попукларини ҳимариб ўйнаб ўтирган Мансур почча салмоқланди:

— Бир оширсангиз, обдон тоширасизда, мулла Асомиддин. Жа бунчалик эмасдиров.

Шу пайт гузар майдонига автобус келиб тўхтади. Эшиги шарақлаб очилди. Ичкаридан олдин ингичка оқ туфлининг учи кўринди, букчайиб, калта, тор юбка чок-чокидан ситилгудек бўлиб, бир қиз аранг пастга тушиб олди. Кимдир юқорида қўлидан ушлаб қолмаганида, қалқиб кетиб, йўлкага йиқилиши аниқ эди.

Қиз икки-уч майда қадам билан ўзини четроқ олди. Чойхонада ўтирганлар, сал наридаги бозорчада тўпланиб турганлар борки, эслари оғиб бақрайишди-қолишди. Негаки, қиз гуллари катта-катта оқ кофта кийиб олган. Тирсиллаган кўкраги, елкалари нимкам очиқ, кофта эгнида тортилиб, ситилгудек эди.

Ғаданг зимдан ёнидаги Чакакка кўз ташлади. У гулини томоша қилгандек қўлидаги пиёлани айлантириб ўтирарди. Унча-бунчага гап бермайдиган Чакакнинг бир замбил бўлиб ўтириб қолганича бор. Ҳалиги «қўғирчоқ» унинг набира қизи эди. Келин ўзича билимдон, болалари тарбиясига бува-бувини бийлатмайди. Мана — оқибат.

— Ҳа, вақти келса, ўзингникини ҳам йўлга сола олмас экансиз, мулла Асомиддин, — деди ниҳоят Чакак оғир тин олиб. — Афсус, минг афсус.

Даврада ўтирганлар хомуш тортиб қолишди. Ғаданг индамади. Нима ҳам дерди? Мансур почча оҳиста гап қилди:

— Ҳа, машойиҳлар бекор айтишмаган «бола — бошидан» деб. Кўчган ғиштни қайта жойига қўйиш қийин бўлади.

— У деймиз, бу деймиз, — деди Ғаданг қўлини Чакакнинг елкасига қўйиб, — пироварди шундай синоатларга қоламиз. Ҳа, афсус.

Жўрабек МУРОДОВ.

2001 йил 26 декабрда Мўминов Шамсуддин Артикович номига берилган 13-05/569-рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқоричирчиқ туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан 1999 йилда Қосимов Салоҳиддин Зиявуддинович номига берилган 1727239867-76-3 рақамли ер ва кўчмас мулк кадастри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 25 февралда Ермолаев Анатолий Яковлевич номига берилган 06-21/108-рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа туманидаги «KARAVAN-PRIM» хусусий фирмаси ўз низом жамғармасини 1 156 219 467 сўмдан 1 126 219 467 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Тел.: 176-61-33.

Утерянный сертификат об аккредитации представительства ООО «ЕРП Консалтинг» в Республике Узбекистан № 1682, выданный МВЭСИТ Республики Узбекистан 6 июля 2006 года, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3483. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6